



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

**BOSHLANG'ICH TA'LIMGA  
RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINI  
TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY  
TENDENSIYALARI VA  
RIVOJLANISH OMILLARI**  
**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI**

**MATERIALLARI**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ**

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМГА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТЬИҚ  
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ОМИЛЛАРИ**

**ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021 йил, 1 -2 апрель**

**БУХОРО - 2021**

### **Илмий анжуманинг дастурий қўмитаси**

- О.Х.Хамидов – Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, раис.
- О.С.Қаххоров – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.
- Ў.У. Рашидов – молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо.
- Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, аъзо.
- Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўкув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.
- Ю.А. Пўлотова – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчisi, котиб.

### **Илмий анжуманинг ташкилий қўмитаси**

- О.С.Қаххоров – Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.
- Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, раис муовини.
- Г.Т. Зарипов – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиги, аъзо.
- Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўкув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.
- Ф.М.Қосимов – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.
- Ғ.М.Сайфуллаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.
- Н.Б.Адизова – бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчisi, аъзо.
- Р.А.Қўлдошев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчisi, аъзо.
- Р.Х.Жумаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчisi, аъзо.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2021 йил 2 мартағи 78-фсонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда ҳалқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2021 йил 1 апрель куни Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедрасида “**Бошланғич таълимга рақамли технологияларни татбиқ этишининг замонавий тенденциялари ва ривожланиш омиллари**” мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари асосида тузилди.

#### **Масъул муҳаррир:**

А.Р.Ҳамроев, педагогика фанлари доктори, доцент

#### **Тақризчилар:**

Б.Р.Адизов, педагогика фанлари доктори, профессор  
Ю.Ю.Азимов, филология фанлари номзоди, доцент

Musiqa san'atining bu kabi imkoniyatlari yangi avlodni tarbiyalash, ularning barkamol bo'lib etishlarida o'ziga xos va takrorlanmas manbaa bo'lib xizmat qiladi.

Shuningdek, o'quvchilar musiqiy iqtidorini rivojlantirish, musiqa san'atiga mehr va ishtiyoqni oshirish, musiqa san'atiga qiziquvchi o'quvchilarning iqtidorini rivojlantirish uchun zaruriy shart – sharoitlar yaratib berish, ularning badiiy ehtiyojlarini qondirish musiqa ta'lif-tarbiyasining asosiy vazifasini tashkil etadi. Boshlang'ich musiqa savodi, musiqiy asarlar ijodkorlari faoliyati, musiqa ijrochiligi, bastakorlar va kompozitorlar ijodini, o'zbek cholg'u asboblarini bilishni, mashhur o'zbek xalq sozanda va xonandalar ijodiy faoliyati, musiqiy atama va iboralar, musiqa janrlari kabi mavzular asosida milliy musiqa madaniyatimizni o'zlashtirishni nazarda tutadi. Bu mavzular dars jarayonida quyidagi o'quv faoliyatlarida nazariy va amaliy mashg'ulotlar vositasida bajariladi: musiqani tinglash, jamoa bo'lib kuylash, musiqa savodi, musiqa ijodkorligi.

Musiqa tinglash ta'lif mazmunining asosini tashkil etadi. Asarlarni kuylash, tinglash faoliyatları vositasida o'rganish bilan bir qatorda ritmik cholg'uchilik, musiqali harakatlar, ijodkorlik faoliyatları bilan har tomonlama o'rganish va o'zlashtirish, musiqiy tavsiflarni ifodalash imkoniyati yaratiladi. O'zbek xalq musiqasi, o'zbek bastakorlari va kompozitorlari musiqiy asarlaridan namunalar tinglanadi. Jamoa bo'lib kuylash faoliyati o'quvchilarning musiqiy qobiliyati xamda ijrochilik malakalarini rivojlantirish uchun zarurdir. Sinfda jamoa bo'lib kuylash jarayonida o'quvchi o'z ovoz ijrosini boshqarishni, ustozlar ijrosini eshitib, kuzatishni hamda ular bilan bahamjihat jo'rnavozlik qilishga intiladi. O'zbek xalq qo'shiqlari, o'zbek bastakorlari va kompozitorlari qo'shiqlari, jaxon va qardosh xalqlar kompozitorlari qo'shiqlaridan namunalar kuylaydilar. Musiqa savodi barcha bilimlarni nazariy birlashtiruvchi faoliyat sifatida muhimdir. Darsdan qaysi faoliyat mashg'uloti (tinglash, ijro etish, musiqiy harakatlar) bo'lmasin, berilgan mavzudagi asar o'rganiladi va uning xususiyatlari (janri, shakli, tuzilishi, ijrochiligi) haqida yangi tushunchalar hosil bo'ladi. Shu bois, musiqa savodi faqatgina nota yozuvlarini o'rganishdan iborat bo'lmay, balki o'quvchilarning umumiyligi bilim saviyясini tarkib toptiruvchi umumiyligi bilim, tushunchalar majmuasini (ijrochiligi, xalq va bastakorlik musiqasi, ularning farqlari nota savodi) tashkil etadi. Musiqa savodida musiqiy atamalar, an'analar, templar (sur'at), alteratsiya belgilari, dinamik belgilar, musiqaning ifoda tili, oddiy musiqa shakllari va janrlari, major va minor ladi haqida tushuncha beradi. Musiqaning ifodaviy tili: kuy, ritm-usul, sur'at, o'lchov, registr, dinamik belgilar bilan tanishish. Major va minor ladlarini farqlay bilish. Oddiy musiqa shakllari: bir qismli, ikki qismli musiqa shakllari. Asosiy musiqiy faoliyat turlari: bastakor, kompozitor, ijrochi sozandalar ijodi bilan tanishish. Ijrochilar: ansambl, orkestr, xalq va professinal sozandalar ijrochiligi haqida tushunchaga ega bo'lisch. Musiqa ijodkorligi faoliyati bolalarda musiqiy tafakkur, izlanish va ijodkorlik malakasini o'stira borish uchun ahamiyatga egadir.

## МЕДИАМАТИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Д.И.Давронов,  
БухДУ ўқитувчиси

Медиапедагоглар ўзларининг педагогик маҳоратларини касбий педагогик рефелексив ёндашувнинг ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини англиш, ўз-ўзини белгилаш,

ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби турлари асосида амалга оширишлари мумкин.

1982 йилда ЮНЕСКО Медиатаълим декларациясини қабул қилган. Унга кўра, “Медиатаълим медианинг барча турлари (босма, график, овозли, экранли ва бошқалар) ва турли технологиялар билан чамбарчас боғланган”. У инсонларга оммавий коммуникациядан ижтимоий онга қандай фойдаланишни тушуниш, бошқа одамлар билан коммуникация пайтида медиадан фойдаланиш кўникмасини ўзлаштириш каби билимларни беради. Шунингдек, қуидаги малакалар ҳам шакллантирилади:

Медиаматнларни таҳлил этиш, танқидий қараш ва яратиш;


Медиаматнларнинг манбаларини, контекстда уларнинг сиёсий, ижтимоий, тижорий ёки маданий қизиқишлирини аниқлаш;

Медиа тарқатайдиган медиаматнлар ва уларнинг аҳамиятини изохлаш;

Ўз шахсий медиаматнларини яратишга мувофиқ келувчи ўзга медиаматнларни танлаш ва унга қизиқувчи аудиторияни топиш;

Медиага очик кириш йўли имкониятини қўлга киритиш.

Медиатаълим ривожланишининг асосий босқичи сифатида 1980-1990 йиллар қайд қилинади. Бу даврда ахборот коммуникация технологиялари жадал ривожланиб, глобал алоқа тармоғи сифатида интернет ва мобил телефонлар тизими ривожланди (1.2-расмга қаранг).



1.2-расм. Медиа ва медиатехнологияларнинг турлари<sup>87</sup>.

Медиатаълимнинг асосий мазмуни сифатида таълим олувчиларнинг танқидий тафаккурини оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда

<sup>87</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

ривожлантиришга эътибор қаратиш назарда тутилган. Бунда дарс жараёнида суст қабул қилувчи бўлиши мумкин эмас.

Медиа ва медиатехнологиялар турларининг мазмуни тўғрисидаги берилган таърифлар, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига оид маълумотларни келтирамиз.

**Ёзув.** Дастлабки медиа воситаси ёзув ҳисобланади. Ёзув – муайян бир тилда қабул этилган ва кишилар ўртасидаги мулоқатга хизмат қиласидаги ёзма белгилар ёки тасвирлар тизими. Ёзув – кишилик жамияти маданий тараққиётининг том маънодаги ибтидоси, башариятнинг узок ва мураккаб тадрижий такомили жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири (1.3-чизма). Ёзув тилдан анча кейин пайдо бўлган (товуш тили (400 – 500) минг йиллар илгари юзага келган, ёзувнинг пайдо бўлганига эса (4 – 5) минг йиллар бўлган).

**Оғзаки тил** (нутқ)нинг замон (вакт) ва макон (масофа) нуқтаи назаридан чекланганлиги ва унинг бартараф этиш зарурияти ёзувнинг пайдо бўлишига олиб келган. Оғзаки тил талаффуз вақтидагина ва айни пайтда муайян масофадаги (товуш тўлқинлари етиб бориши мумкин бўлган) киши учунгина мавжуддир. Бошқа шароитларда тилга эҳтиёж пайдо бўлиши билан инсон даҳоси бу эҳтиёжни қондира олевчи воситаларни қидира бошлаган. Натижада, белгилар тизимидан иборат ёзув дунёга келган.

Ёзувнинг пайдо бўлиши, жамият тараққиёти ривожи, шунингдек, муайян масофадаги кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжи, сиёсий, ҳукуқий, диний ва эстетик тавсифдаги ахборотларни қайд этиш, сақлаш зарурияти билан бевосита боғлиқ. Халқларнинг давлат сифатида бирлашуви нутқий алоқа доирасини кенгайтиради ва мураккаблаштиради, ишлаб чиқариш ва савдо кенгаяди, бошқа халқлар ва давлатлар билан ҳарбий, сиёсий ва бошқа шартномалар тузилади, қонунлар пайдо бўлади ва мустаҳкамланади, диний қарашлар ва мағкурунинг бошқа турли кўринишлари шаклланади, халқларнинг ўз тарихини билишга бўлган эҳтиёжи кучаяди. Буларнинг барчасини фақат оғзаки нутқ воситасида амалга ошириш мумкин эмас. Бу шароитда ёзув заруриятга айланади.


Ёзув оғзаки тилга нисбатан иккиласи, қўшимча алоқа воситаси бўлса-да, унга қараганда кўп афзалликларга эга. Тилнинг асосий вазифаси – кишилар ўртасидаги алоқани таъминлаш. Тилнинг эстетик, гносеологик (дунёни билиш) каби асосий вазифаларини ёзувсиз тасаввур қилиш қийин. Инсоният қўлга киритган тажриба-билимларини сақлаш ва авлодларга етказиш бевосита ёзув орқали бажарилади.

Ёзув кишилик жамиятиянинг зарурий эҳтиёжи асосида пайдо бўлиб, ривожланиб борган. Бугунги шаклини олгунга қадар узок ва мураккаб тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган (1.3-расмга қаранг). Инсон ақли ёзувдай мукаммал алоқа воситасини кашф қилгунча узок изланган. Энг қадимги даврларда дунё халқарининг деярли барчасида кенг тарқалган “эслатувчи” белгилар ана шу илмий изланишларнинг илк кўринишлари эди. Масалан, муайян микдорни ифодалаш учун турли тошлар, чиғаноқлардан фойдаланилган, таёклар, дараҳтларга ҳар хил ипларни боғлаш, тугунлар туғиб қўйиш ва бошқа воситалар билан муайян масофага юборишга харакат қилинган. Ёки бир хабарни узок масофага етказиш учун тутун, гулхан, барабан овози ва ш. к. қўлланилган.

**Расмли ёзув** (пиктография) ёзув яратиш йўлидаги биринчи қадам бўган. Расм билан ёзув ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, аввало, ҳар иккаласи ҳам кўриш орқали идрок қилинади. Пиктографик ёзувни ибтидоий тасвирий санъат ичида юзага келган дейиш мумкин. Археологик олимларнинг бундан жуда кўп минг йиллар илгари инсонлар томонидан чизилган турли расмларнинг мавжудлиги ҳакидаги маълумотлари маълум. Тошларга, суякларга, ғор деворларига уйиб ишланган хилма-хил ҳайвонларнинг расмлари, умумий мазмунга бирлашувчи тасвирий лавҳалар – буларнинг бари пиктографик ёзувнинг асослари. Ана шу ибтидоий тасвирий санъат икки йўналишда – умуман расмлар ва муайян ахборот воситаси, яъни ёзув сифатида шакллана борган (1.3-расмга каранг).

Расмлар ёрдамида муайян фикр-ахборотни ифодалаш, юбориш мумкин эканлигини одамлар жуда қадимги давлардан англаб етганлар. Шунинг учун ҳам расмли ёзув (пиктография) дунёдаги мавжуд барча ёзувларнинг келиб чиқиши учун асос бўлган дейиш мумкин. Пиктографиянинг оғзаки тил билан боғлиқ бўлмаганлиги унинг турли тил вакиллари томонидан ҳам тушуни-лаверишини таъмин этган, аммо унда ифодаланган мазмуннинг турлича, ихтиёрий талқин этилишига йўл қўйган, абстракт тушунчаларни бундай ёзув орқали ифодалаш деярли мумкин бўлмаган.

Расмларнинг соддалашуви, уларнинг ўзлари ифода этган буюмларнинг номига, рамзига айланиси ва аста-секин бу рамзларнинг оғзаки тил билан доимий боғланиши ёзувнинг такомиллашиб боришини белгилаб беради. Ёзув белгилари идеографик, иероглифик белгилар сифатида муайян сўзларнинг ифодачиларига айланади, бу ёзув “сўз ёзуви” ёки “логографик ёзув” номи билан умумлаштирилади. Энг қадимги логографик ёзув тизимлари (миср иероглификаси, шуммер миххатлари, хитой иероглификаси ва б.) миллоддан аввалги 4-минг йилликнинг охиридан миллоддан аввалги 2-минг йилликларнинг бошларигача бўлган даврда шаклланган. Ҳакиқий маънодаги ёзув тизимлари Қадимги Шарқда вужудга келган.



### 1.3-расм. Дастлабки медиа воситаларнинг ривожланиши.

Харф-товуш ёзувининг шаклланиши бутун ёзув тараққиёти тарихида инқилоб бўлган. Бу йўналишдаги илк ёзув финикий ёзуви. Финикий

алифбосининг пайдо бўлиши инсоният учун ёзувни такомиллаштириш борасида олға кўйилган қадам бўлган. Биринчи марта соф товуш ёзуви, саноқли ҳарфлардан иборат мукаммал алифбонинг юзага келиши жамиятдаги ёзувни биладиган кишилар доирасини кенгайтириб юборган. Шунинг учун ҳам финикий ёзуви жуда тезлик бошқа ҳалқлар орасида ҳам тарқалган. Ҳозирги қунда бизга маълум бўлган ҳарф-товуш тизимидағи ёзувларнинг 4/5 қисмидан кўпроғи финикий ёзувидан келиб чиқкан.

Ўрта Осиёдаги ҳалқлар, жумладан, ўзбек ҳалқи турли ёзувлардан фойдаланиб келган. Бу ёзувлар авесто, паҳлавий, урхун-енисей (руник), туркий (уйғур), суғд, араб, кирилл, лотин ёзувлари.

Ёзув билан тил ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бирор тилни шу тилнинг ёзувини ўрганмасдан ёки аксинча, бирор ёзувни шу ёзув тегишли бўлган тилни билмасдан ўрганиш мумкин эмас. Аммо ёзув оғзаки тил (нутқ)ни айнан акс эттира олмайди. Агар, ёзув шундай хусусиятга эга бўлганда, имло қоидаларига, талаффуз мезонларига мутлақо эҳтиёж қолмаган бўларди.

Ёзув тараққиёти тилнинг табиий тараққиётидан анча орқада юрганлиги учун муайян сўз ёки сўз шаклининг ёзилиши билан талаффузи айнан мос келавермайди. Бу табиий ва қонуний ҳол бўлиб, ёзув ва оғзаки нутқ ўртасидаги бундай номувофиқликларни имло қоидалари тартибга солиб туради. Дунёдаги алифболарнинг ҳаммасида ҳам ҳарфлар сони тегишли тилдаги товушлар (фонемалар) сонидан сезиларли даражада кам. Табиийки, бу ҳол ёзувни ўзлаштиришни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам алифболардаги асосий тамойил ундаги ҳарфлар сонини кўпайтириш эмас.

Алифбо ёзувнинг асосини ташкил этади. Тиниш белгилари ва бошқа ёзма белгилар ҳам ёзувнинг унсурлари ҳисобланади.

Бугунги қунда ҳам ёзувсиз барча турдаги медиатехнологиялар турлари ёрдамида ахборотларни етказишни тасаввур килиб бўлмайди.

Босма медиа воситалари ҳисобланган – босма нашрлар, литография, фотография мазмун-моҳияти билан танишамиз.

**Газета** (итал. *Gazzetta* – чақа, пул) – қундалик воқеалар тўғрисида материаллар эълон қилинадиган даврий (вақтли) босма нашр. Оммавий ахборот ва тарғиботнинг асосий воситаларидан бири. Унинг вазифаси жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини, маънавий интеллектуал талабларини қондиришдан иборат. Газета факат ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт обьекти бўлиб қолмай, балки моддий ишлаб чиқариш обьекти, ишлаб чиқариш иқтисодий муносабатлар соҳаси ҳам. Шу билан бирга газета товар – моддий маҳсулот ҳам ҳисобланади. Газета ҳажми 2 саҳифадан 100 саҳифагача ва ундан кўп бўлиши мумкин.

Газетанинг ибтидоий тури дастлаб Римда – миллоддан аввалги I асрда (варақа ва бюллетенлар шаклида), Хитойда VII асрда (“Ди бао” – “Пойтахт ахбороти” номи билан) чиқкан. Ҳозирги газеталарнинг дастлабки турлари XVI-XVII асрларда Европада пайдо бўлган. Улар хусусий шахслар, аксарият матбаачилар, ноширлар, почта ходимлари томонидан нашр қилинган. Илк газеталар ҳафтада ва 15 қунда бир марта чоп этилиб, кам нусхада бўлган. Уларда асосан, сарой янгиликлари, тижорат хабарлари босилган.

**Журнал** (франц. *journal* – кундалик дафтар) – босма даврий нашр. Ахборотни танлаш, таҳлил этиш ва баҳолашнинг асосий воситаларидан бири. Журнал газета каби жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш йўли билан уни шакллантиришга хизмат қиласди, омма ижтимоий онгига муйян гоя ва қадриятларни сингдиради. Журналлар дастлаб Францияда нашр қилинган. Инглизча “*Magazine*”, французча “*Revue*”, немисча “*Zei schrift*”, испанча “*Relista*” сўзлари ҳам журнал маъносини англатади. Чоп этилиш муддати (даврийлиги) жиҳатдан журналлар, одатда, хафтада, ўн кунда, икки хафтада, ойда, икки ойда, ҳар уч ойда, ярим йилда бир март нашр қилинади. Бундай даврийлик журналларда турмуш воқеаларини кундалик газетага нисбатан батафсилоқ ва чукурроқ таҳлил қилиш имконини беради.

Журнал ҳажмини ва уни безаш унсурларини белгилашда журнал мундарижаси ва унинг ўқувчилари доирасидан келиб чиқиласди. Одатда оммавий журналлар – ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий, илмий-оммабоп, болалар, аёллар ва ўсмирлар учун мўлжалланган нашрлар катта ҳажмда чиқарилади.

**Литография** – (юононча *lithos* – тош ва графия) – босма қолип тайёрлаш учун оҳак тош, рух ёки алюминий варақасидан фойдаланиладиган текис босма усули, шу усулда рассомлар томонидан яратилган графика асарлари ҳам литография деб аталади. Бунда ёзув ёки тасвир тош сиртига рельефсиз, литография туши ёки қалами билан туширилади. Тасвирнинг оралиқ элементларига азот кислота ёки фосфор кислота эритмаси ҳам коллоид билан ишлов берилади, натижада булар бўёқ олмайди. Бўёқ билан қопланган тасвир бевосита қоғозга кўчирилади. Литографияни 1798 йилда германиялик А.Зеннефельдер кашф қилган. Шундан сўнг 1806 йилда Мюнхенда, 1816 йилда Парижда, 1822 йилда Лондонда дастлабки литография устахоналари ташкил қилинган. XX асрнинг 30 йилларидан бошлаб, литография ўрнини оффсет босма эгаллай бошлаган.

**Фотография** – ихтиро қилинган пайтларданоқ бу янги «техникавий» тасвир тури тасвирий санъат аҳли диққатини жалб қиласди. XIX асрнинг 30йилларида фотография ихтирочиларидан бўлган Луи-Жак Дагер рассом эди. Илк фотография маҳсулотлари рассомлик санъати асарлари (манзара, портрет, натюрморт) га тақлидан яратилди. XIX асрнинг 2-ярмидан репортаж фотография ривож топди. Фотография соҳасидаги техникавий ва илмий ютуқлар фото санъати ривожида катта аҳамиятга эга бўлди (фотоаппаратларининг янги қулай турлари, фото материалларнинг фабрикада кўплаб тайёрланиши, айниқса? ёруғликка ўта сезгир материаллар, қисқа экспозицияга имкон берувчи натурани ҳаракат пайтида суратга олишни таъминловчи затворлар ихтиро қилиниши ва б.).

XIX асрнинг 2-ярми мобайнида фото объективлари ва фотооптиканинг бошқа элементлари тобора такомиллаштирила борди. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида рангли фотография асосларининг яратилиши фото санъати тарихида муҳим воқеа бўлди. Айниқса, 1914 йилда немис ихтирочиси О.Барнак томонидан кино тасмасида суратга олинадиган «Лейка» камерасининг ихтиро қилиниши хужжатли фото ривожига имконият яратилди. Матбуот ривожи фото санъати соҳасидаги янги кучларга эҳтиёж туғдиради, фотографика камол топди.

Электрли медиа турларига телеграф, телефон, овозли ёзув киради. Уларнинг яратилиш тарихи, фойдаланиш соҳаси, афзалликлари тўғрисида маълумотлар билан танишиб ўтамиз.

**Телеграф** – (юнон.tele –узоқ ва граф сўзларидан олинган) – 1) телеграф алоқанинг қисқартирилган номи; 2) телеграммаларни узатиш, қабул қилиш ва эгасига етказиб бериш билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган алоқа корхонаси. Унда телеграф аппарати, телеграф коммутатори, факсимал аппарати, операциялар зали, энергетика қурилмалари ва бошқа техник жиҳозлар бўлади. Телеграф вилоятлар марказлари ва Республика марказида жойлашади. Ўзбекистонда “Ўзбектелеком” АҚга қарашли Тошкент телеграф-телефон станцияси, вилоятлар марказларида телеграф-телефон станциялар орқали телеграф ва телефон хизматлари кўрсатилади.

Телеграф алоқа – дискрет (ҳарф рақамли) хабарларни узоқ масофага тез узатиш ва қабул қилиш ҳамда қабул пунктида қайд этиш, электр алоқанинг бир тури. Сим орқали узатиладиган электр сигналлар ва симсиз радиосигналлар орқали, телеграф аппарати ва фототелеграф (факсимал) аппарат ёрдамида амалга оширилади. Телеграф алоқа электр алоқанинг бир тури сифатида XIX асрнинг 30 йилларида пайдо бўлган. Ахборотларни узатишда дастлаб (почта алоқасидан ташқари) ёруғлик ва товуш сигналларидан фойдаланилган. Россияда 1832 йилда П.Л.Шиллинг томонидан телеграф аппарати яратилиши билан телеграф алоқага асос солинди. Сўнгра Б.С.Якоби томонидан электромагнит телеграф аппарати (1839) ва ҳарф босиш телеграф аппарати (1850), С.Морзе томонидан электромеханик телеграф аппарати (1844) яратилиши телеграф алоқанинг ривожланишига ёрдам берди. Ўзбекистонда телеграф алоқа XIX аср охирига келиб Тошкент-Оренбург телеграф линияси очилиши билан бошланган. Ҳозир “Ўзбектелеком” акционерлик компанияси телеграф ва телефон алоқани ташкил этади. Ўнлаб шаҳарлар билан телеграф алоқа боғланган.

Узатиладиган хабарларнинг турига қараб, телеграф алоқа умумий фойдаланиш, абонент, идора, факсимил хилларга бўлинади. Умумий фойдаланиш телеграф алоқаси алоқа корхоналарига келувчи телеграммалар, пул ўтказмалари ва бошқаларни узатиш учун хизмат қиласи. Абонент телеграф ёрдамида абонентларнинг хоналарига бевосита ўрнатилган телеграф аппаратидан фойдаланиб мулоқотлар олиб бориш мумкин. Идора телеграф алоқаси кўплаб хужжатли хабарлар узатиш ва қабул қилишни талаб қиласи-ган ҳалқ хўжалиги тармоқлари (темир йўл, транспорт, фуқаро авиацияси ва б.) да ташкил этилади. Факсимил алоқа (фототелеграф алоқа) расм, график, мантларни масофада туриб узатиш учун хизмат қиласи.

**Телефон** (теле.. ва фон) – 1) электр сигналларини товуш сигналларига айлантириб берадиган электр акустик асбоб. Электромагнитли, электродинамик ва пьезоэлектрик хилларга бўлинади. Электромагнитли телефон энг кенг тарқалган. Унинг асосий элементлари доимий магнит, чулғамли қутблар ва мембронадан иборат. Абонент “телефон қилганида” телефон сигналининг ўзгарувчан электр токи таъсирида мемброна тебраниб товуш ҳосил қиласи. Телефон телефон аппарати, турли радиотехника асбоблари ва бошқа

қурилмаларда ишлатилади; 2) телефон аппаратининг қисқа номи; 3) телефон алоқанинг қисқа номи.

Телефон алоқа – телефон аппарати ёрдамида абонентлар ўртасида товушли алоқа боғлашга имкон берадиган электр алоқа воситаси. Телефон тармоқлари орқали амалга оширилади, амалда исталган масофа орасида ер юзидағи исталган жой ўртасида товушли алоқа ўрнатишга имкон беради. Шотланд ихтиорчиси А.Г.Белл 1876 йилда биринчи электр-акустик қурилма – телефон ихтиро қилганидан ҳамда АҚШ (Нью-Хейвен)да 1878 йилда биринчи телефон станция қурилганидан бери телефон алоқа бошланган. Ўша йиллари инглиз физиги Д.Э. Юз кўумир ўзакли микрофон яратди. Америкалик ихтиорчи Т.А.Эдисон (1847-1931) кўп йиллар мобайнида телефон алоқани такомиллаштиришга доир ишлар олиб борди.

Биринчи оддий АТС лойиҳасини рус ихтиорчиси К.Мосцицкий 1887 йилда таклиф қилди. Мураккаб АТС лойиҳасини 1893 йилда рус олимни М.Ф.Фрейденберг ишлаб чиқди. Биринчи халқаро телефон линияси (Москва – Петербург) 1908 йилда очилди. 1939 йилда дунёда энг узун кўп каррали телефон алоқа линияси (Москва – Хабаровск) ишга туширилди. Одимлаб қидиргичли биринчи АТС 1947 йил, координат улагичли АТС 1960 йил жорий қилинди. XXасрнинг 60 йилларида квазиэлектрон АТС, 1970 йилларидан бошлаб электрон АТС амалда кўллана бошланди. Ўзбекистонда (Тошкентда) телефон алоқа 1887 йил ишлай бошлаган, 1914 йил Тошкент шаҳар телефон тармоғи ишга тушган. Республикада дастлабки телефон станциялар 1929 йил қурилган, биринчи АТС 1932 йил ишга туширилган, декада-одимли тизимдаги АТС 1956 йил қурилган.

Координата АТС 1974 йил пайдо бўлган. Дастлабки шаҳарлараро телефон алоқа Тошкент – Самарқанд, Самарқанд – Кўқон, Тошкент – Пискент, Тошкент – Тўйтепа линиясида 1924 йил очилган. XX асрнинг 60 йилларидан ҳаво алоқа линиялари аста-секин ер ости кабелларига ўтказилди, шаҳарлараро телефон алоқа учун кабель линиялари билан бир қаторда радиореледан фойдалана бошланди. Тошкентда дастлабки телефон-автоматлар (таксофонлар) 1935 йилдан ўрнатила бошланди, бирин-кетин бошқа йирик шаҳарларда ҳам расм бўлди. XX асрнинг 90 йилларидан рақамли ва уяли телефон тизими пайдо бўлди. Ҳозир республика ва жаҳоннинг барча шаҳарлари билан алоқа ўрнатишга имкон берадиган халқаро телефон-автоматлар мавжуд. Республикаиздаги барча шаҳарлар орасида ва халқаро телефон алоқа йўлга қўйилган. Республикада телефон алоқага доир барча ишлар “Ўзбектелеком” АК тармоқлари орқали амалга оширилади.

**Овозли ёзув–овоз** узатувчи қурилмалар, овозли мослама ва ўйинчоқлар яратиш соҳасидаги дастлабки уринишлар XVI асрда механик ускуналар – «овозли» тамакидон ва буюмлар қутиси, уйғотгич соатлардан тортиб мураккаб хона ва биноларга осиб қўйиладиган ҳамда минора соатларида амалга оширилган. Дастлаб граммофон ихтиро этилиб, жаҳондаги халқлар ўртасида кенг оммалашиб борди (1.4-расмга қаранг). Биринчи овоз ёзиб оловчи қурилма–фонограф билан бир даврда, ҳаттоқи, ундан илгарироқ, яъни 1877 йилнинг апрель ойида машҳур француз шоири, мусиқачи ва олим Шарл Кро (Charles Cros, 1842–1888) ўзининг ихтиро қурилмаси тавсифи ва баённома ҳужжатларини Фанлар академиясига «paleofon» — «ўтмиш овози» номи билан тақдим этиб, лойиҳасини амалга

оширишда маблағ ажратишлирини сўрайди. Мазкур қурилманинг ишлаш тамойили: диск устида овозли йўлаклардан мембранага маҳкамланган игнанинг айланишига асосланди. 1887 йил 26 сентябрь куни Берлинер граммофон деб номланган қурилмага патент олди ва граммофон қурилмаси ихтиорчисига айланди. Кейинги беш йил мобайнида граммофон қурилмаси, шунингдек, овоз йўлакчалари туширилган пластникалар яратиш технологиясини такомиллаштириш устида ишлади. Аввал у фотокимёвий усулни мум билан қораланганди пластинкага рух кислотаси асосида ишлов бериш методи билан ўзgartирди. Натижада, нафақат сифатни яхшилаш, балки овоз баландлигига ҳам эришилди. Граммофонлар жаҳон бўйлаб тезда тарқала бошлади. Уларни ишлаб чиқариш катор мамлакатларда йўлга қўйилди. Дастребаки ихчамлаштирилган граммофон ва кейинроқ яратилган патефонлар ҳам савдога чиқарила бошлади.

Патефонни ака-ука Патлар ихтиро қилган ва патент олганлар (курилманомини ҳам муаллифлар шаънига шундай атаганлар), мазкур қурилма граммофондан ташки қиёфаси билангина эмас, балки овоз ёзиш усули билан ҳам фарқ қилган. Патефон–граммофон пластинкалари учун механик қурилмадир. Граммофондан фарқли равишда, патефонда корпусга киритилган кичик карнай ўрнатилган. Яна бошқа манбаларда патефонни –портатив граммофоннинг номи сифатида, пате–патефон ишлаб чиқарувчи таникли француз фирмасининг номи ва фон–овоз сўзларидан ташкил топган деб кўрсатилган. Патефон–граммофоннинг олиб юришга қулай тури эди. Ўша даврларда патефоннинг кўплаб турлари ишлаб чиқилган.

<b>Тешабоев А.Ю.</b> Современные подходы к физическому развитию детей дошкольного возраста	<b>490</b>
<b>Cho'lliyeva G.T., Fayziyeva D.T.</b> Ot so'z turkumini o'rganishda o'quvchilarning so'z boyligini oshirish imkoniyatlari	<b>492</b>
<b>Акрамов А.Ш.</b> Новый подход изучения отношения к здоровому образу жизни	<b>494</b>
<b>Гафоров Ш.У.</b> Современные технологии формирования и развития здорового образа жизни личности	<b>498</b>
<b>Ubaydullayeva Sharofat.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida o'quvchilarning tafakkurini rivojlantirish	<b>502</b>
<b>Saidova M.J., Aminjonova G.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida axborot texnologiyalaridan foydalanishning didaktik tamoyillari	<b>504</b>
<b>Saidova M.J., Elova M.</b> Harakatga oid masalalarni axborot texnologiyalar asosida tushuntirish metodikasini takomillashtirish	<b>507</b>
<b>Jumaniyozova Muhabbat Xo'sinovna.</b> boshlang'ich ta'lim hikoya o'qish darslarida insoniy fazilatlarni singdirish	<b>512</b>
<b>Авезов С.С.</b> Навоий ижодида фольклор анъаналари	<b>514</b>
<b>Рустамова Гавҳар Баҳрон қизи, Шойимкулова Мадина.</b> Башлангич синф ўқитувчисининг ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги компетенциявий фаолияти	<b>518</b>
<b>Hakimov F.N., Qosimova A.F.</b> Boshlang'ich sinflarda kreativ qobiliyatlarini shakllantirishning psixologik xususiyatlari	<b>521</b>
<b>Садуллаева М. Г., Квятко Фаина.</b> Современные приемы обучения написанию сочинений в начальных классах	<b>524</b>
<b>Rustamova Gavhar Bahron qizi.</b> O'zbek xalq qo'shiqlarida mevali daraxtlarning obrazlantirilishi	<b>526</b>
<b>Адиба Баҳронова.</b> Бўлажак башлангич синф ўқитувчиларини дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятни амалга оширишга тайёрлаш йўллари	<b>528</b>
<b>Dilova Nargiza Gaynullaevna. Raxmatullayeva Nilufar Komiljonovna.</b> Sinfdan tashqari o'qishda pedagogik texnologiyalarni qo'llash mazmuni	<b>534</b>
<b>Xalikova Umida Mirovna.</b> Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim integratsiyasida raqamlı texnologiyalarning o'mni	<b>538</b>
<b>Azimova U. L.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida innovatsion usullar orqali o'quvchilarning og'zaki hisoblash ko'nikmalarini baholash yo'llari	<b>543</b>
<b>Raxmonova M. M.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida interfaol usullar bilan ishlashning nazariy asoslari	<b>548</b>
<b>Rustamova Sh.S.</b> Boshlang'ich sinf o'qituvchisining metodik-matematik tayyorgarligi ta'lim sifatining kafoloti	<b>550</b>
<b>Safarova N.K.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qitishda vaqtadan unumli foydalanish ularda hayotiy kompetensiyalarni shakllantirish omili	<b>553</b>
<b>Choliyeva S.S.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	<b>546</b>
<b>Qalandarova S.</b> Savod o'rnatish davrida interfaol metodlarni qo'llash orqali o'quvchilar faolligin ioshirish	<b>550</b>
<b>Shokirova S.Z.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	<b>554</b>
<b>Shukurova L.S.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	<b>560</b>
<b>Файзиева У.</b> Экологик тарбия маданиятини ривожлантириш ва шакллантириш муаммолари	<b>562</b>
<b>Гончарова Наталья Александровна.</b> Применение технологии дополненной реальности в начальном образовании	<b>564</b>
<b>Максименко Сергей Дмитриевич.</b> Тенденции и подходы «генетико-креативного метода психологического изучения личности в образовательном пространстве»	<b>568</b>
<b>Давронов Д.И.</b> Она тили ўқитишида интеграциялашган медиатаълимдан фойдаланиш имкониятлари	<b>572</b>
<b>Хусенова Азиза Шариповна.</b> Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойихалаштириш муаммоси	<b>574</b>
<b>Yusufzoda Sh.Y. Qo'shinova M.A.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilariga musiqiy savodxonlik	<b>582</b>

malakalarini shakllantirish metodikasi

**Давронов Д.И.** Медиаматнлар ва уларнинг афзаллиги